

Ғийбатдан тийилишнинг фойдалари (4-қисм)



15:48 / 05.05.2018 3645

Саккизинчи фойда: тилнинг гуноҳи кабирасидан нажот топиш ва унинг ёмонлигидан саломат бўлиш.

Ҳадис. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу айтади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга учраб, у зотдан: «Нажот нима?» деб сўрадим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тилингга эгалик қил. Уйинг сенга кенг бўлсин. Хатоларинг учун йиғла», дедилар».

Шарҳ. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан инсон дунё ва охиратда нажот топиши учун нима қилмоғи лозимлиги ҳақида сўраган эди, он Ҳазрат соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига учта насиҳат қилдилар.

Биринчиси – «**Тилиннга эгалик қил**». У ҳеч бош тортмай сенга бўйсунадиган, назоратинг остидан чиқмайдиган, мулкингдаги қулдек бўлсин. Уни номуносиб гапларни гапиришидан сақла. Ўзинг ва бошқалар учун фойдаси тегадиган гапларнигина гапир.

Иккинчиси – «**Уйинг сенга кенг бўлсин**». Одамларнинг заиф томони шуки, улар ўз уйларига еб-ичиш ва ухлаш учунгина келишади. Бошқа фурсатларини кўча-кўйда, чойхоналарда, ўтиришларда ўтказиб юборишади. У ерларда эса одатда лағв (фойдасиз) ишлардан бошқа нарса бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юқоридаги насиҳатлари биздан фурсат бўлиши биланоқ вақтимизни ўз уйимизда ўтказишни талаб қилмоқда. Шунда савоб ишлар қилишга, ҳеч бўлмаганда гуноҳлардан сақланишимизга қулай имкон бўлади.

Учинчиси – «**Хатоларинг учун йиғла**». Йиғлаш икки турли бўлади. Бири – кўзнинг йиғлаши, иккинчиси – дилнинг йиғлаши. Ҳақиқий йиғлаш дилнинг йиғлаши, яъни гуноҳларга пушаймон бўлишдир. Бундай йиғлаган одам эртами-кечми гуноҳлардан қайтади. Гуноҳларига пушаймон бўлмайдиган киши ҳеч қачон гуноҳни тарк эта олмайди.

Шунинг учун баъзи зоҳидлар сўзлашни мутлақ тўхтатганлар, чунки одам гапирганда бирор кишини ғийбат қилиб қўйиши ёки унга бирор зарар етказиб қўйиши эҳтимоли бор. Чунончи, юқорида бу ҳақда жуда кўп гаплар келтирилди.

Ҳикоя. Буюк тобеъин Рабиъ ибн Хусайм билан йигирма йил ҳамсуҳбат бўлган бир киши шу узоқ муддат давомида у кишидан гуноҳ бўладиган бирор сўз эшитмаганини ривоят қилади. Ҳатто Хусайн розияллоҳу анҳу шаҳид бўлган куни Рабиънинг асҳобларидан бири: «Агар Рабиъ гапирса, шу бугун гапиради», деди. Бир киши келиб, эшикни очди-да Хусайн розияллоҳу анҳунинг шаҳид бўлганини айтди. Бу хабарни эшитгач, у киши осмонга қараб: «Аллоҳим! Осмонлару ернинг холиқисан. Ғайбни билувчисан. Бандаларинг ўртасида улар ихтилоф қилган ишларда Ўзинг ҳакамлик қиласан», деди.

Ҳадис. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Жим турган одам нажот топади**», дедилар.

Насиҳат. Товус раҳимаҳуллоҳ айтади: «Менинг тилим йиртқич ҳайвондир. Бўшатиб юборсам, у мени ейди».

Қафасда турган даррандадан ҳеч кимга азият етмайди. Лекин у қўйиб юборилса, барчанинг жонига хатар бўлади. Худди шундай, тилни ҳам оғиз ичига қамаб қўйилса яхши бўлади. Акс ҳолда ундан эгасига ҳам, бошқаларга ҳам зарар етиши мумкин.

Ривоят. Умар розияллоҳу анҳу бир ёш йигитга: «**Эй йигит, тилинг, фаржинг ва қорнинг ёмонлигидан сақлансанг, йигитликнинг ёмонлигидан сақланибсан. Акс ҳолда сенга йигитлигингдан зарар етади**», дедилар.

Тўққизинчи фойда: ўлимтик гўштини ейишдан сақланиш.

Ғийбат қилиш ўлимтик гўштини ейиш билан баробар бўлгани учун ғийбатдан тилини тийган одам ўлимтик гўштини ейишдан сақланган бўлади.

Ҳикоя. Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу баъзи дўстлари билан йўлда кетаётиб, ўлиб ётган бир хачирнинг ёнидан ўтдилар ва дўстларига: «Сизлардан бирингиз мана бундан қорни тўйгунча ейиши бир мусулмоннинг гўштини ейишидан (яъни уни ғийбат қилишидан) яхшироқ», дедилар.

«Ғийбат ўзи нима?»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов